



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 26 сентябр, чоршанба № 152 (1166)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Козим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 25 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида

Козим Носирович Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 25 сентябр

Мухтарам Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидлаганидек, одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тadbirkorликка қизиқиш уйғотишимиз керак. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун иктисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим.

Қашқадарё вилоятида кишиларда тadbirkorлик руҳини қарор топтириш ва уни ҳар томонлама мустақамлаш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Воҳода 15 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 13374 таси фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80 минг нафари иш билан банд бўлиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотга қўшаётган ҳиссаси ҳозиргача 25,5 фоизни ташкил этади.

Хўш, вилоят кичик, ўрта ва хусусий тadbirkorлик ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда.

Касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳамид Саидовнинг таъкидлашича, тadbirkorликни ривожлантириш ва ишбилармонларни ижтимоий ҳимоялашдаги муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Ҳозирги пайтда кўмитаси тасарруфида 136 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатаёпти.

Тadbirkorларнинг ишига ҳуда-бехуда аралашилар ва ҳўжалиги бошланғич ташкилотлари ишчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаоллик кўрсатмоқдалар.

ТАДБИРКОРЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ҳозирги пайтда кўмитаси тасарруфида 136 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатаёпти.

Тadbirkorларнинг ишига ҳуда-бехуда аралашилар ва ҳўжалиги бошланғич ташкилотлари ишчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тadbirkorлик ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда.

Миллий тараққиётга эришишнинг ўта муҳим омили

Ўрта ва хусусий тadbirkorлик ходимлари касаба уюшмасининг уставида ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб

тортиб ҳисобчигача кўп ҳолларда меҳнат шартномасиз ўзаро оғзаки келишув асосида ишга қабул қилинган. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлик палаталарида мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш учун қатъият этишмаяпти. Уларда юридик хизмат кўрсатиш тизими, яхши йўлга қўйилмаган.

Белгиланган тартибга мувофиқ бошланғич касаба уюшма кўмиталари касб, ишлаб чиқариш ва ҳудудий хусусиятига қараб яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шугулланувчи ташкилотларда тузилиши мумкин. Бироқ Муборак, Баҳористон, Нишон туманларидаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлик палаталарида ҳанузгача касаба уюшма ташкилотлари тузилмаган.

Йиллар ўтиб хусусий корхоналарда ишлаган киши нафақага чиқиши керак. Агар меҳнат дафтarchаси ва бошқа ишга тааллуқли ҳужжатлари бўлмаса қўтилмаган муаммолар юзга келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда тadbirkorлик билан шугулланишни истайдиган кишиларга қулай шaroит яратиб бериш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон фермер ҳўжаликлариде меҳнат қилувчиларга меҳрибонлик кучайтирилиши, айна пайтда улар касаба уюшма ташкилотлари таъсирини, ёрдам ва мададини сезиб туриши зарур.

Изат ҲИКАМТОВ, «Ишонч» мухбири.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ЎН КУНДА 80 МИНГ СЎМ

оилавий даромад қилдик, - дейди Фаргона туманидаги «Водил» ширкат ҳўжалиги ижарачиси Ёқубжон Жўраев

Пахтазорда иш қизғин. Теримчилар кўтаринки кайфиятда дур йиғиштиришмоқда. Юксак сурьат ва сифатга эришилаётганлигининг боиси моддий манфаатдорлик таъминланаётганидир.

Биз бунга Фаргона тумани «Водил» ширкат ҳўжалигида бўлганимизда тўла ишонч ҳосил қилдик. — Ҳўжалик туманимизда энг илгор жамоалардан бири, — дейди «Пахта Банк»нинг «Водил» бўлими бошқарувчиси Тилаволи Исमतов. — Пахта майдонлари асосан 735 нафар оилавий пудратчиларга бўлиб берилганлиги боис бу йил янада яхши кўрсаткичларга эришилди.

Аникроғи ҳўжалик миришкорлари 756 гектар ерда мўл ҳосил етиштириб, йиллик режани бажаришди. Давлатга ҳаммаси бўлиб 1786 тонна сифатли хом ашё сотилди. Бунга ҳўжаликнинг Турғунбой Мирзамаҳмудов, Аҳтам Азимов, Офтоб Ҳолматов, Зарифа Бурхонова каби пудратчилари муносиб ҳисса қўшишди. Фароғат Ҳақимова, Дилбар Ботирова каби илгор теримчилар эса мўмай даромад олишди. Энг муҳими терилган пахтага тўланадиган ҳақ даланинг ўзида тарқатилаяпти. Мисол учун банкимиз томонидан ўтган уч беш кунлик бўйича 30 миллион сўмдан зиёд пул теримчиларга ўз вақтида етказиб берилди.

Мавсум иштирокчиларига яратиб берилётган шарт-шaroитлар бошқа жойларда қандай ташкил этилгани билан қизиқиб, хизмат сафаримиз ниҳоясида «Пахта Банк»нинг вилоят бошқармасида бўлдик. Бошқарма бошлиғи Расулжон ака Шарипов билан бу борада олиб борилётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 августдаги қарориде Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, Марказий банк, «Пахта Банк» ва бошқа тижорат банклари ҳўжаликлар, фермерлар, тайёрлов пунктлари, транспорт ташкилотлари, пахта тозалаш заводлари ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари билан, шунингдек пахтани юк-

лаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш, жойлаштириш ҳамда унга ишлов бериш, пахта териш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва тузатишда банд бўлган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш топширилди, — дейди у. — Шу ҳужжатга асосан бошқарманинг туман бўлимлари орқали жорий йилнинг 10 сентябр ҳолатига 1 миллиард 300 миллион сўмга яқин нақд пул маблағлари теримчиларга етказиб берилди.

Вилоятда ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, туманларга бириктирилган банк ходимлари томонидан терим учун тўловлар ўз вақтида ҳамда мақсадга мувофиқ сарфланаётгани устидан доимий назорат олиб борилаяпти.

Бундан ташқари, бошқарманинг туман бўлимларида теримчилар билан ҳисоб-китобни тўғри ташкил этиш мақсадида штаб тузилган. Бўлимларнинг етакчи мутахассислари ширкат ҳўжаликларига бириктирилган. Улар пахта йиғим-теримига мақсадли келган маблағларни ўз вақтида ҳисоб-китоб варақаларига тушишини таъминлайдилар. Пахтакорларга тўланган пулларнинг аҳволини текшириб, ҳар 10 кунда бу ҳақда туман ҳокимияти ва «Пахта Банк»нинг вилоят бошқармасига маълумот берадилар. Мавсумни ўтказишда вужудга келган муаммоларни ҳал қиладилар.

Кези келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, ҳукумат қарориде асосида теримчилардан даромад солиғи ушлашда бир қанча имтиёзлар белгиланган. Масалан, теримчиларнинг ҳар беш кунлик иш ҳақлариде энг кам миқдорда (12 фоизли) даромад солиғи олинади. Солиқ кодексига мувофиқ корхона, ташкилот, ўқув юртлари ва бошқа ҳашарчилар ҳам имтиёзга эга.

Хуллас, «Пахта Банк»нинг Фаргона вилоят бошқармасида Вазирлар Маҳкамаси қарорини ҳаётга изчил тadbirkorлик этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Натижаде мавсум қатнашчилари моддий манфаатдорликни ҳис қилган ҳолда ишлашмоқда.


Фулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

«ОЛТИН МЕРОС» ҲН КУНЛИГИ

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Андижон бўлими Ўзбекистон диний идорасининг вилоят вакилиги билан ҳамкорликда «Мутаассиблик — ислом қушандасидир» мавзуида тadbirkorлик мажмуини ўтказди. Ҳн кун давомида шаҳар ва қишлоқ марказлари, гузарлар, йирик корхона ва ҳўжаликларда аҳоли билан учрашувлар, очик мулоқотлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Қизиқарли тарзда уюштирилган тadbirkorлик мажмуини ўтказди. Ҳн кун давомида шаҳар ва қишлоқ марказлари, гузарлар, йирик корхона ва ҳўжаликларда аҳоли билан учрашувлар, очик мулоқотлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Қизиқарли тарзда уюштирилган тadbirkorлик мажмуини ўтказди. Ҳн кун давомида шаҳар ва қишлоқ марказлари, гузарлар, йирик корхона ва ҳўжаликларда аҳоли билан учрашувлар, очик мулоқотлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Қизиқарли тарзда уюштирилган тadbirkorлик мажмуини ўтказди.

Тadbirkorларда ислом динининг инсонни иймон-инсофга, ҳалол меҳнат ва дўстбиро дарликка чорловчи улуғвор куч эканлиги таъкидланди, уни ҳар қандай мутаассиблар хуруждан омон ва пок сақлаш зарурлиги ўқтирилди.

М.АБДУКАРИМОВ.



КОМБАЙНЧИ БАХТИ

Наманган шаҳрида ўтказилган «Ҳосил байрами»да вилоят ҳокими комбайнчи йигит Набижон Мадаминова «Нексия» автомобилнинг қалитини тантанали равишда топширди.

Набижон мактабни битириб, тракторчилик касбини эгаллади. Мана йигирма олти йилдирки, техникани моҳирлик билан бошқариш унга насиб этди.

XXI аср Н.Мадаминов учун қувончли бошланди. Ҳовли тўйини ўтказди, тўртинчи фарзанди дунёга келди. Шогирди Бахтиёр Раҳмонов билан биргаликда 5 минг 541 тонна сарадон йиғиштириб олди.

— Бахтимни меҳнатдан топдим, — дейди Н.Мадаминов. — «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» кўкрак нишонини билан тақдирландим. Оддий бир комбайнчи бўлган бундай ҳурмат-эътибор нафақат менинг, бошқаларнинг ҳам гайрат-шижоатини ошириб юборди.

Қ.АКБАРОВ.

ГРАНТ АЖРАТИЛДИ

«Каунтерпарт консорциум» халқаро ташкилоти Олот тумани Аёллар ресурс марказига ишчи ўринларини қўлайтириш лойиҳасини амалга ошириш учун грант ажратди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан туманда қандалатчилик ва гилам тўқиш бўйича мутахассислар тайёрлаш юзасидан курслар очилди. Айна пайтда туман марказида истикомат қилувчи 30 нафардан зиёд хотин-қизлар ушбу курсларда ўқишаётир. Уч ойдан кейин улар тегишли сертификат олишади. Лойиҳа шунингдек, ўқишни битирган аёллар ишлаши учун гилам тўқиладиган цех очишни мўлжаллаётти.

«Туркистон-пресс».

ЯНГИ БОҒЛАР

Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудида 22 минг нафар пенсионер истикомат қилади. Улар орасида деҳқон ва фермер ҳўжаликларига раҳбарлик қилиб, шартнома режаларини ортқи билан бажариб, ёшларга ўрнак бўлаётган нурунийлар ҳам талайгина.

Шу йилнинг ўзида 41 нафар уруш ногиронига, ётиб қолган беморларга совға-саломлар топширилди. 8 та кам таъминланган оиланинг ҳар би-

рига бир бошдан сигир ҳадя этилди. Хотира ва Қадрлаш куниде 1 миллион 200 минг сўмлик совғалар тарқатилди. «Ўртасарой» ва «Истиқбол» ширкат ҳўжаликлари ҳудудида янги боғлар ташкил қилинди.

Бугунги кунда туман «Нуруний» жамғармасининг 5 гектар боғи ва кичик корхонаси бор. Шу кунларда яна 3 гектарли боғ яратиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Б.СУЛТОНАЛИЕВА.

Олтириқ туманидаги Усмонали ота Тошболтаев хонадониде бўлсангиз, ажойиб узумларни кўриб ҳайратланасиз. Олтиндек товланаётган, шарбатга тўлган неъматлар хонадон аъзолари чинакам миришкор эканликларидан далолат беради. Улар тер тўкиб ишлаб, эл дастурхонига сархил мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб беришмоқда. Шунинг ҳисобидан катта даромад қилишмоқда. Топганлари уй қуришга, тўйларга буюрмоқда.

Суратда: соҳибкор Усмонали Тошболтаев.

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

«Бухоро ёғочни қайта ишлаш» очик турдаги акционерлик жамияти юқори сифатли, харидорғир махсулотлари билан танилганига анча бўлди.

Ислохот мевалари

Харидорлар талаб ва таклифларини ўрганиш

сулотлар етказиб берилмоқда. Шу тариқа бу жамоаларни қайта оёққа турғизишда амалий ёрдам қўли чўзилаётганлиги ибратлидир.

ИЗЛАНИШ ВА ОМИЛКОРЛИК ШАРОФАТИ

Жамоада асосий диққат-этибор меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Сабаби аён. Ўнлаб дастгоҳлар, ёғочни кесувчи ва унга шакл берувчи механизмларни ишлатиш жараёнида, буни инобатга олмай илож йўқ, - дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Шокир Хамроев.

Корхонада 110 киши ишлайди. Ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ошиб бораёпти. Фақатгина эшик, дераза ромлари тайёрлаш салмоғининг ўзи 30 минг квадрат метрни ташкил этади.

Ёғоч махсулотларидан тайёрланадиган буюмлар тури 100 тага етиб қолди. Бу ерда эшик, дераза ромларидан ташқари кундалик турмушимизда асқотадиган сабзи тўрагич, стол-стуллар, болалар ва катта ёшдагилар учун кароватлар, чойхона ва ҳовли жиҳозлари, панжаралар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Иккита цехда ҳам шовқинни пасайтирувчи мослама ҳамда чанг

ютгич воситалари ишлаб турибди. Чикитлар учун алоҳида жой ҳозирланган. Юк кўтариш ва тушириш воситаларидан самарали фойдаланилаётир.

Ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Бўяш ҳамда ёғоч кесувчиларга жамоа шартномасида кўрсатилган тартибда имтиёзлар яратилган.

Ошхона, спорт зали ва майдончалари ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Бу ишларнинг бошида касаба уюшма фаоллари турибди. Ойнинг белгиланган кунида маош таърифотида. Хар чоракда мукофот пули, йил охирида эса ўн учинчи маош берилди. Дивидент ҳам мунтазам равишда тўланаётир. Ойлик иш ҳақи 45 минг сўмдан кам бўлмапти.

ҳамда шу асосда янги турдаги махсулотлар ишлаб чиқариш ютуқлар омили бўлмоқда. Кейинги уч йилги юксак натижалар эвазига жамият республика танловида голиб деб топилди. Корхона махсулотларини кўшни Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Хоразм вилоятларида қад ростлаган коллеж ва академик лицейларда кўриш мумкин.

Ўзини молиявий жиҳатдан анча ўнглаб олган жамоа Бухородаги кўллаб ёрдамга муҳтож корхона ва меҳнат жамоаларини кўллаб-қувватлашга ҳам эътиборни қаратаётир. Айни пайтда «Бухоромебел» корхонаси, «Зарафшон» кичик корхонаси ва ноғиронлар жамияти билан шартномалар имзолашиб, ярим фабрика мах-

Цех бошлиқлари, ишлаб чиқариш усталари билан суҳбат жараёнида яна шу нарса маълум бўлдики, корхонада бозор ва харидор талаби алоҳида ўрганиб борилди. У ёки бу махсулот ишлаб чиқаришни ошириш ёки камайтириш тезкорликда ҳал этилади. Бу аксарият махсулотлар қисқа муддатда ўз эгасини топишида муҳим рол ўйнапти. Шунингдек, қўли гул усталар лаёқатли шоғирлар тайёрлашга маъсулият билан ёндошишмоқда. Улар корхонада ишловчи ҳар бир киши фақат юқори сифатли жиҳозлар ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор қаратишади. Хайрли ҳаракатлар, янгиликка бўлган иштиёқ ўз вақтида кўллаб-қувватланади. Соғлом муҳит, аъло кайфият шарофати ила янги-янги имкониятлар ишга солинмоқда.

Усмон НАВРЎЗ.

Ғиждувонлик тадбиркор Мизроб Бобомуродов Ғишти қишлоғида эски бинони таъмирлаб, унда замонавий савдо маркази бунёд этди.

ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

11 сотих майдонни эгаллаган марказда усти ёпиқ бозорча, суратхона, пойфазал тикиш ва таъмирлаш устaxonаси, тикиш-бичиш цехи ва бошқа қатор маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари жойлашган.

Марказ фойдаланишга топширилгач, қишлоқнинг 50 нафар йигит ва қизи муқим иш билан таъминланди. Бу ерда, шунингдек, «Тадбиркор аёл» уюшмаси Ғиждувон туман бўлими ҳамкорлигида 20 нафардан ортиқ ёшларга уч йўналишда касб сирлари ҳам ўргатилмоқда.

(ЎЗА).

Ишловчи аёлларга имтиёз

ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА КЎШИМЧА БАНДЛАР

Жамоада ходимлар манфаатини кўзлаб эзгу ишлар қанчалик кўп қилинса, ишнинг ривожини шунга яраша бўлади. «Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонасида бўлган имтиёзга ходимларнинг чехрасида мамнунлик ифодасини кўриб бунга амин бўлди.

Икки ярим минг нафар киши фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада меҳнатқашларнинг ижтимоий муҳофазаси диққат марказида. Турли енгиллик ва иқтисодий имтиёзларни ўзида акс эттирган жамоа шартномаси бандлари ижроси доимий назоратда. Касабақўм ходимларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан мазкур ҳужжатдан ўрин олган ҳар бир банд тўлақонли бажарилишини назорат қилиб боради. Бунинг натижаси ўларок, 3 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга энг кам иш ҳақи миқдорида нафақа тўланапти.

Газчиларни соғломлаштириш масаласи йил бўйи кун тартибидан тушмайди. Аёллар фарзандлари билан таътил давомида соғлиқларини тиклашда катта имтиёзларга эгалар. Ҳозирча «Чимён» санаторийсига 20 нафар, «Ботаника»га 4, Ибн Сино номли дам олиш масканига 20 нафар ходимга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Бу йилги жамоа шартномасига ходимларнинг таклифи асосида 12 та қўшимча банд киритилган. Фарзанди 1-синфга борадиган ишловчи оналарга ўқув анжомлари ёки унинг пули берилди. 2 сентябр кунки оналар бир кунлик ҳақ тўланадиган таътил оладилар. Бундан ташқари тўй маросимлари учун 2 ойлик, таъзиялар учун 3 ойлик маош миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Тизим ходимлари учун Ургутда дам олиш маскани қурилганига уч йил бўлди. Май ойидан

сентябр ойигача навбати билан 30 кишининг дам олиши ташкил қилинади.

Корхона томонидан «Меҳрибонлик уйи» болаларига, бинони таъмирлашга имкон қадар ёрдам кўрсатиб турилади. 10-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Дилноза Қодирова, Азиз Султонов номига ёзилган ҳисоб рақамига ҳар ойда энг кам маош миқдорида маблағ кўчириляпти. Ўтган йили 6-болалар уйи таъмирланишига ярим миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Эътиборли томони шундаки, тиббиёт ходимлари бинонинг ўзида ишчиларга хизмат кўрсатиляпти. Керакли дори-дармонлар бепул берилмоқда.

Қишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Аҳолини газ билан бир маромда, узлуксиз таъминлашни даярли ҳар кун назорат қилиб борамиз, - дейди шўъба корхонаси раҳбари Ф.Каримов. - Хонадонларга тезроқ газ ўлчогичлар ўрнатилган кундаки таъминлаш шартини қўйишимиз. Газ етишмаётган ҳудудларга қўшимча қувурлар тортиляпти.

Газчилар учун маданият ва маърифат хонаси ташкил этилган. Ҳар жума кунки маълум мавзуда йиғилиш ўтказилади. Ходимлардан бири оилавий-бадиий жамоалар иштирокидаги қўшиқ ва рақс бўйича вилоят кўрик-танловидида иккинчи ўринни эгаллаб муносиб тақдирланди. Спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари 20 нафар ходим ўқув юртларида контракт асосида таълим оляпти.

Ёрдамчи хўжалик ташкил этилганига 5 йил бўлди. Байрамларда ишчи-хизматчилар 50 фойз арзонлаштирилган гўшт махсулотлари билан таъминланади.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» муҳбири.

Ижтимоий ҳимоя

МАИШИЙ ХИЗМАТ ТУРИ КЎЛАЙМОҚДА

Даромадга яраша буромад деганларидек, хўжаликда олинаётган соф фойда салмоғининг ошиб бориши меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларини фойдала меҳнатга жалб қилиш мақсадида маиший хизмат тармоқлари, кичик корхоналар сонини кўпайтиряпмиз. Жумладан, ҳозирги кунда 30 га яқин маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси, 2 та маданият уйи, 4 та кутубхона, 3 та болалар боғчаси, қишлоқ шифокорлик пункти, 20 дан ортиқ савдо дўкони аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Меҳнатга лаёқатсиз, пенсионер ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи кун тартибимиздан тушмайди. Худудда истиқомат қилаётган 44 нафар ноғирон, 24 нафар кўмакка муҳтож, 80 нафар кам таъминланган оилаларга хўжалик бошқаруви билан ҳамкорликда шу йилнинг олти ойида салкам 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик. Келажагимиз бўлган

ёш авлодга меҳримиз ўзгача. Уларнинг таълим олишга бўлган қизиқишини янада кучайтириш мақсадида 7 та мактабнинг 2 нафардан аълочи ўқувчисига хўжалик ҳисобидан моддий мадад жорий этилди.

Янги ўқув йили арафасида зиё масканларини таъмирлашга ҳам кўмаклашилди. Бунинг учун 3 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек, Талмасой маҳалласидаги 31-мактаб учун 100 ўринли қўшимча бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хўжалигимизда меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Тумандаги «Сино» болалар оромгоҳида 200 нафар ўғил-қиз бепул йўлланмалар билан дам олдирилди. Жорий йилнинг олти ойида эса хўжаликнинг 150 нафар аъзоси турли сихатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтдилар.

А.МИРЗАЕВ, Денов туманидаги «Хазорбоғ» ширкат хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси.



«Ёшлик» хиссадорлик жамияти пойтахтдаги энг илғор жамоалардан биридир. Айни чоғда корхонада турли хилдаги юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Суратларда: корхона ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳи.

Ҳ.СОЛИХОВ олган суратлар.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилляпти. Шу мақсадда ҳуқуқатининг томонидан қарорлар қабул қилинган. Жойларда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Бирок, назоратнинг сустлиги, баъзи раҳбар мутахассислар бурч муъсулиятини чуккур хис этмай ноҳўя ишларга қўл ураётганликлари оқибатида айрим ўринларда истеъмолчи манфаатига путур етмоқда. Бахтга қарши, ҳали шундай кимсалар борки, улар энг учиди иш кўриб, ноқонуний даромад пайида бўладилар. Бунни қуйидаги мисолларда ҳам кўрса бўлади.

«Зарбдоргазтаъминот», «Дўстликтаъминот» бўлимлари томонидан аҳоли билан тузилган шартномаларда уларга газ учун тўланадиган ҳар бир кунга умумий қарзнинг 0,5 фоизи миқдорида устама ҳақи (пеня) олиниши баҳонасида тегишли шартномага зид иш қилинади. «Зарбдоргаз» таъминот бўлими 2000 йил июн, июл, август ойларида иншоотлар остида қолган газ қувурларини қайта қуриқдан ўтказганили сабабли беминнат ёқилги уч ойга узат қўйилган. Шу муддат учун 504 фуқарога аслида фойдаланилмаган зағори олов учун ҳар ойга 20.996 сўмдан, жами 62.989 сўм маблағ ҳисобланган. Қизиги шундаки, фойдаланилмаган ёниги учун аҳоли билан ҳисоб-

Истеъмолчи манфаати «Ишонч» назоратида

агентлиги ва «Бошқоммунгаз» тизимига қирадиган Жиззах вилояти худудидидаги 31 та шаҳар ва туманлар бошқармаларида ўтказилган текширишлар шунки кўрсатдики, - дейди вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси бўлими бошлиғи Қобилжон

Суҳбатдошимиз қатор далилларни мисол тариқасида келтирди. «Жиззахтумангазтаъминот» бўлими томонидан бешта хонадонда мавжуд бўлмаган газ плиталари, қувурларини тортиш ҳамда соғлаш хизматлари учун истеъмолчилардан тарифларни тўғридан-тўғри ошириш ҳисобига

олиш кадастр бюроси ҳам асоссиз даромад олишнинг антиқа йўлини ўйлаб топилди. Фуқаро З.Ҳамроқуловага кўрсатилган хизмат ҳақи белгиланганидан ортиқча ёзилиб, бир меҳнатқашни чўв туширишган. Умуман, бюронинг 18 ҳолатда ортиқча ҳақ ҳисоблагани маълум бўлди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқи мамлакатимизда қонун билан муҳофаза қилинар экан, унинг бажарилишини таъминлаш ҳам қарз, ҳам фарзидир. Бирок, таърибот ишларининг талаб даражасида эмаслиги, таъкидланганидек, назоратнинг сустлигидан кимлардир фойдаланиб қолишга уринмоқда. Аммо қинғир ишнинг қийиғи қачондир маълум бўлади. Ана энди юқорида номлашган тартибга бўйсунган болалар учун ўқув қуроллари, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, озиқ-овқат махсулотлари олиб берилди. — Оналар ва болалар йили муносабати билан уларга ҳамхўрлик янада ортди, - дейди сихатгоҳ бош шифокори Машқура Юсупова. - Биргина Республика соғлом авлод жағмармаси ҳисобидан 2 миллион сўмлик маблағ ажратилган қарор қилинди.

Тўрт қаватли 60 ўринли бино қурилиши ниҳоясига етган, бу ерда яна 150 нафардан ортиқ она ва болани даволаш имконияти яратилди.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

ОНА-БОЛА БИРГА ДАВОЛАНАДИ

Қашқадарё вилоят болалар ва оналар сихатгоҳи Яққабов туманидаги Жарқишлоқнинг хушманзара дарё қирғоғида жойлашган. У ўзининг соф ҳавоси, мафтункор табиати билан бошқа жойлардан фарқ қилади.

Бу масканда дам олувчи оналар ва болаларга 3 нафар олий маълумотли ҳаким, 15 нафар ўрта тиббиёт ходими намунали хизмат кўрсатишмоқда. Айниқас, бу соҳада мутахассис, тажрибали тиббиёт ходими Абдураҳмон Раҳимов бошқараётган физиотерапия кабинетини ходимларнинг беминнат хизматлари қарчага манзур бўляпти. Болаларни бир ойлик даволаш ва дам олдириш муддати даврида янги дастур асосида ўқув машғулоти ҳам олиб боришмоқда.

Дам олувчилар бўш пайтларида Яққабов ва Шаҳрисабз туманларидаги тарихий ёдгорликларга саёҳатга олиб бориляпти. Мусиқа раҳбари Урол Холмуродов етакчилигида бадиий хаваскорлик тўрагаги ташкил этилган бўлиб, болалар учун бадиий чиқишлар, концертлар намойиш этилмоқда.

Болаларни ижтимоий ҳимоялашда Шаҳрисабз туманидаги Бахтиёр Исмоилов раҳбарлигидаги жамоа ўтган йили 200 минг жорий йилнинг ўтган ойларидида 175 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Ушбу маблағ ҳисобидан болалар учун ўқув қуроллари, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, озиқ-овқат махсулотлари олиб берилди.

— Оналар ва болалар йили муносабати билан уларга ҳамхўрлик янада ортди, - дейди сихатгоҳ бош шифокори Машқура Юсупова. - Биргина Республика соғлом авлод жағмармаси ҳисобидан 2 миллион сўмлик маблағ ажратилган қарор қилинди.

Тўрт қаватли 60 ўринли бино қурилиши ниҳоясига етган, бу ерда яна 150 нафардан ортиқ она ва болани даволаш имконияти яратилди.

Ҳ.ТЎРАЕВ.

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД кимнинг ҳисобидан?

Шокиров, - кўпгина жойларда Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар талаблари бузилганлигини кўрсатди. Текширишлар жараёнида 29 корхонада жиҳдий камчиликлар мавжудлиги аён бўлди. Қишлоқ аҳли оққўнли, ишонувчан, мулоҳазали бўлади. Боз устига, ҳали аҳолининг муайян қисмида ҳуқуқий билим етишмаслиги яққол сезилмоқда. Бундан эса кимлардир ўз манфаати йўлида фойдаланяпти.

32,6 минг сўм ноқонуний даромад олиб, сув қилинган. Жиззах шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари ҳам ўз манфаатлари йўлида унча-мунча йўлда қолдирадиган чиқиб қолишди. Улар ҳеч нима билмагандек, вилоят стандартлаш маркази ҳамда кардиология диспансери билан тузилган шартномада кўзда тутилган «хизматлар» эвазига 52,9 минг сўм ортиқча тўловни, фуқаро бўйнига ёзиб қўя қолишди. Агар текширувчилар ҳушёрлик қилишганида, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверариди...

Вилоят техник рўйхатга

Бухорода сайёҳларга хизмат қиладиган давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар анчагина. Аммо ҳозирча мижозлар ишончи ва ҳурматини қозонишда «Бухоротурист»га етadигани йўқ.
Бухоро — шарқ гавҳари. Асрлар ўтса ҳамки бу кўҳна шаҳар доврғи тилларда дoston. Истиклол йилларида шаҳар ўзгача чирой касб этди. Янги-янги турар жой, маъмурий бинолар, маданий-маиший иншоотлар шаҳар кўрқига кўрк қўшмоқда.

Туризм

кўпчиликлa манзур бўлмоқда. Сайёҳлик йўналишларида салқин ичимликлар билан савдо қиладиган кўчма дўконлар ҳам ишлаб ту-

ХОРИЖИЙ САЙЁҲЛАР БУХОРОИ ШАРИФДА

Хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилди. Туризм ёш, суверен давлатимиз иқтисодини мустаҳкамлаш, унинг дунё ҳамжамиятида танилиши учун хизмат қила бошлади. Шу боис ҳам мустақил юртимизда ушбу соҳани изчил ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда 2005 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш юзасидан давлат Дастури ишлаб чиқилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Хорижий сайёҳларнинг Бухорои Шарифга келиши кейинги 5 йил ичида 10.5 мингдан 35 минг нафарга кўпайгани ҳам бежиз эмас. Азим шаҳарда авлодларимизнинг унутилган касбларини тиклаш, ҳунармандлар сулолаларининг вужудга келиши янги иш ўринларининг яратилиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Улар ўз мақсулотлари билан чет элларда ўтказилаётган ярмаркаларда иштирок этмоқдалар.

рибди. «Эски Бухоро» меҳмонхонаси Германиянинг «ИВС Бау Консалт ГМБХ» фирмаси томонидан таъмирлашга киришилди.

Яна бир далил. Бухорога келган сайёҳларга 2000 йилнинг 8 ойи давомида вилоят сайёҳлик ташкилотлари томонидан 397 миллион 221 минг сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич салкам 791 миллион сўмга етди. Сайёҳлар сони эса 56844 дан, 58902 нафарга етди. Келиб-кетувчиларнинг 60-70 фоизини хорижликлар ташкил этмоқда.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Бухоро шаҳрининг мингга яқин тарихий обидалари туширилган фотосуратлар, альбомлар, видеоасмалар чет элларда кенг тарғиб қилинаётир. Натижада кўплаб хорижий сайёҳларда бу кўркем шаҳарни кўриш истаги пайдо бўляпти. Ушбу жамоа вакиллари ҳар йили Лондон, Берлин, Париж, Милан, Москва ва Тошкент шаҳарларида ўтаётган сайёҳлик ярмаркаларида ҳам фаол иштирок этиб, ҳамкор фирмалар билан сайёҳлар алмасиш борасида имзолаш шартномалар имзолаётганлар.

Сайёҳларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозлари талаблари даражасига етказиш чоратадбирлари кўрилмоқда. Масалан, «Янги Бухоро» меҳмонхонасининг курилиши, фойдаланишга топширилганлиги ҳамда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, сервис хизмат кўрсатилганлиги шулар жумласидандир.

— Кейинги пайтда сайёҳларга алоқа хизмати кўрсатиш борасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси, Олий Мажлис депутати Мансур Зокиров. — Улар ҳоҳлаган пайтларида дунёнинг истаган мамлақати билан сўзлашиш имконига эгадирлар. Электрон почта алоқа тизими аллақачон «Интернет» тармоғига уланган. Бир киши яшайдиган хоналар сони деярли икки ҳиссага кўпайтирилди. Ҳар бир қаватда хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд. Шунингдек, унинг турлари борган сайн кўпайтирилатири. Нодир Девонбеги, Модарихон мадрасалари ҳузурда «Бухоро» меҳмонхонасининг ресторани шўббалари очилгани, қолаверса, хорижлик биродарларимиз тақлифи асосида вилоят театри ҳамда «Ўзбекнаво» концерт биришмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган маданий тадбирлар

Энди икки оғиз сўз «Бухоротурист»нинг саховатпешалиги хусусида. Мустақиллик байрами арафасида жамоа кўмаги билан шаҳардаги «Турки Жанди» маҳалла аҳлига ош тортилиб, 2 та «Меҳрибонлик уйи»нинг тарбияланувчиларига совға-саломлар улашилди. Вобкент туманидаги кўп болали, кам таъминланган оила фарзандларига 200 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиб берилди. Бухоро ва Вобкент туманларида истикомат қилувчи ногиронлар ҳам ташкилот саховатидан баҳраманд бўлишди. Унлаб мактабларнинг ўқувчи-ёшлари Самарқанд, Тошкент шаҳарлари бўйлаб бепул саёҳатга олиб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг 1-ярми якунларига бағишланган йиғилишда Президентимиз туризм соҳасида ҳам тадбиркорликка кенг йўл очиш хусусида ўз фикрларини билдириди. Бу бежиз эмас, албатта. Айни пайтда биргина Бухоро вилоятида 26 та хусусий сайёҳлик ташкилотлари, шу жумладан, 16 та хусусий меҳмонхона ҳукумат лицензияси асосида фаолият кўрсатаяпти. «Бухоротурист» жамоаси ҳам «Ўзбектуризм» Миллий компанияси тизимидаги давлат сайёҳлик ташкилотлари билан туризмни ривожлантириш борасида

Вобкентлик ёш футболичларнинг Ургенч шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларга бориб келишига ҳам мазкур ташкилот ҳомийлик қилди. Яхшилик ерда қолмас экан. Ташкилот етакчиси Мансур Зокиров байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

И. УСМОНОВ.



Тошкент шаҳрида жойлашган «ОНИКС» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган қандил ва вазалар бугунги кунда нафақат мамлақати-мизда, балки хорижда ҳам харидорғир. Чунки маҳсу-



маҳсулотлар цехининг умумий кўриниши; муҳандис-технолог Тамара Нурмухамедова янги

маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда. Ҳ.СОЛИХОВ олган суратлар.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Плёнка остига чигит экиб эртаки ва сифатли пахта ҳосили етиштириш андижонликларга олий навли пахта толаси олиш имконини бермоқда. Қайта ишланган Андижон пахта толаси жаҳондаги 20 дан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда. Бу эса хорижий инвесторлар диққат-эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Куни-кеча Андижон заминига ташриф буюрган АҚШнинг «Вернер интернационал» компанияси ҳамда Мальтадан келган «Карлтон Холдинг» компанияси мутасаддилари Андижон толасини шу ернинг ўзида қайта ишлаб, ундан юқори навли калава иплар ишлаб чиқариб, жаҳон бозорига олиб чиқиш ташаббусини ўртага ташладилар.

Улар Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти қошида «Ўзбекистон-Америка-Мальта» кўшма корхонасини ташкил этиш, уни Швейцария ва Германияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида андижонлик тўқимачилар билан ўзаро фойдаланиш музокаралар олиб боришди.

Лойиҳа қиймати 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мазкур кўшма корхона ишга туширилса, андижонлик ёшлардан 500 нафардан кўпроғи доимий иш билан таъминланади. Бу эса аҳолиси ўта зич жойлашган вилоят учун аини мудоаодир.

Газетхон илтимосига кўра МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ХУСУСИДА

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Меҳнат шартномаси тузиш хусусида батафсил тушуна берсангиз.

М.ЁҚУБОВ, Пайариқ тумани.

фақат ходимларнинг розилиги билан амалга оширилади. Меҳнат Кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномалари номуайян муддатга (муддатсиз), беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ва бирор ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши кўрсатиб ўтилган.

ЖАВОБ: Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қончилиги ҳамда норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Айрим иш берувчилар томонидан мувофиқ 1993 йил 3 декабрдан бошлаб барча муассасаларда меҳнат шартномаси ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган икки нусxada тузилиши ва ҳар бир тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши шарт. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 74-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Агар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси давом бўлса, у доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади. Меҳнат Кодексининг 105-моддасига асосан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши билан бекор қилинади. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафларнинг бирортаси ҳам бир ҳафта давомида меҳнат шартномаси бекор қилиниши талаб қилмаса (буйруқ чиқарилмаса), ходим доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади ва меҳнат шартномасини бекор қилиш умумий асосларда олиб борилади, яъни ходимнинг ёки иш берувчининг ташаббуси билан ҳамда тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича амалга оширилади.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган. Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида иш жойи, ходимнинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш кўни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, унинг тугаши кўни, меҳнат ҳақи миқдори, қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгиланади.

Амалда, айрим муассасаларда иш ҳақининг миқдори аниқ суммада кўрсатилади (масалан, 20 минг сўм деб). Бу, албатта, нотўғри. Иш ҳақидаги маълумотда, лавозим бўйича разряди кўрсатилиши керак. Чунки, бу ойлик маош миқдори ҳукумат томонидан оширилганда, аниқ қийинчиликларнинг, низоларнинг олдини олади.

Бундан ташқари, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юрталарининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан сўнг ота-онанинг розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Ишга жалб қилиш, албатта боланинг соғлиғига ва ўқишига зарар келтириши мумкин эмас.

Қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 5-моддасига биноан меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий давса, деб ҳисобланади. Агар ҳолдими 1993 йил 3 декабрда қадар ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий Суди Пленумининг 1994 йил 7 январдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномасининг ёзма равишда тузилиши

Бирон ишни бажариш учун ва қонун ҳужжатларига асосан иш жойи сақланиб қоладиган ходимнинг ўрнига (масалан, касаллик варақаси, меҳнат таътили, болани парваришlash билан боғлиқ бўлган таътил даврига ва бошқалар) ишга қабул қилинганда, муддатли меҳнат шартномаси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига биноан ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун меҳнатга қобилиятли бўлган ҳар бир шахс ҳеч қандай тўсиқсиз ишга қабул қилиниши керак. Ёшга доир пенсияга чиқиши асос қилиб ходимни ишдан бўшатиб бўлмайди. Бунда фақат табиий ҳулосага мувофиқ ўз вазифасини соғлиғи туфайли бажара олмаслигини асос қилиб меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Ходимни асоссиз ишдан бўшатилиши унинг аризасига мувофиқ қайта ишга тикланишига олиб келади.

АСАЛ — МИНГ ДАРДГА ДАВО

Шаҳрисабз туманида асаларичиликни ривожлантиришга қўл урган раҳбарлардан бири Наби ака Ҳасановдир. У бир пайтлар асалари оиласини 3000 тага етказиб, ном қозонган эди. Вафотидан кейин ушбу ширкат ҳўжалигига унинг номи берилди. Айни пайтда ҳўжаликда асаларичиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун кўпгина ибратли ишлар қилинмоқда.



Бердимурод Рўзиев илғор ижарачилардан биридир. Унинг ихтиёрида 60 та асалари оиласи боқуви яхши йўлга қўйилган. Ижарачилар ҳар бир асалари оиласини йилга 300 килограмдан маҳсулот олишни мўлжаллаб туришибди. Режадан ортиқчаси уларнинг ўзида қолади. Шунингдек, маҳсулот Меҳрибонлик йиллари, шифохоналар ва болалар боғчаларига, ёлғиз қарияларга етказиб берилади.

— Туманда 213 нафар ёлғиз қария истикомат қилади, — дейди ижтимоий таъминот бўлими мутахассиси Эркин Раҳматов. — Асосий эътибор кексалар ҳолидан хабар олиш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ана шундай кишиларга имкон даражасида моддий ва маънавий ёрдам берилаёттир. Чунончи, яқинда мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан тўрт нафар ногиронга махсус аравачалар тўхфа этилди. Шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-

ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Балиқчи тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уй-жой ҳамда маиший шартноларни янада яхшилаш каби хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Туманда 213 нафар ёлғиз қария истикомат қилади, — дейди ижтимоий таъминот бўлими мутахассиси Эркин Раҳматов. — Асосий эътибор кексалар ҳолидан хабар олиш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ана шундай кишиларга имкон даражасида моддий ва маънавий ёрдам берилаёттир. Чунончи, яқинда мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан тўрт нафар ногиронга махсус аравачалар тўхфа этилди. Шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-

Бор бўл, оқибат!

хотав» кичик корхонаси эса бемор қарияларни имтиёзли доридорлар билан таъминлаёттир. Эътиборлиси, ногирон ва кам таъминланган оилалар тадбиркорларнинг саховатидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Масалан, тадбиркор С.Боймирзаев ўз маблағи ҳисобидан ногирон ва кам таъминланганлар учун дўкон, қассобхона, сартарошхона, новвойхона ва ошхона мажмуини қурдирди. У ёлғиз кексалар ҳолидан баҳоли қудрат хабар олиб турибди. Бундай савоб ишлардан бошқа ташкилотлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Шу кунгача улар 20 нафар ногиронга 1 миллион сўмлик аравачалар олиб беришди.

3. ШАҲОБИДИНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Қилмиш-қидирмиш

Божхона остонасида тўхтатилди

«Тома-тома қўл бўлур» мақоли баъзи «шоввоз»ларнинг широриға айлана қолган кўринади. Бўлмаса улар ёқилғи маҳсулотларини яширинча четга олиб чиқиб сотиш оқсидан келган мўмай даромаддан «қўл» ясашни кўзламаган бўларди, балки. Бироқ сўвдай уларнинг оқиб келадиган фойда тўғрисидаги орсуларини божхона ходимлари чиппака чиқарди.

Андижон вилояти «Дўстлик» божхона мажмуаси ходимлари «Янги чек» айланма йўлида «Тико» русумли автоуловни тўхтатди. Хайдовчи Дилмурод Розиков Андижон шаҳри АЁҚШ-ларидан 500 литр бензинни 82500 сўмга сотиб олиб, уни қўшни республикада пулламоқчи бўлганини тан олди. Худди шу божхона мажмуаси

Суратда: асаларичилар Бекмурод ва Дилмурод Рўзиевлар, Ё.ЭШМАТОВ олган сурат.

(УЗА).

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари

«ҲАР БИРИМИЗДА ИЧКИ ИНТИЗОМ БЎЛСИН»

Шукур Бурхон хонадонида ўтган дақиқалар



Шукур Бурхоннинг дўсти кўп, мухлислари сони эса беҳисоб эди. Баъзан ўзи ҳақида ёзилган шеърини машқларни шогирдларига ўқитиб, қўлимсираб ўтирарди. Шукур акага бефарқ қараган киши бўлмаган. Унинг чехрасидаги самимият, эхтирос, шижоат барчани бирдек ўзига мафтун этарди.

Ўша дамда биринчи учрашувда уйғонган қизиқни артист Шукур Бурхон сахнадан, экрандан, кези келганда ўзаро суҳбатда «қониқтириб», «кучайтириб» борарди. Атайлаб эмас. Унинг табиати, ижрочилик истеъдоди шуни тақозо этарди. Унинг Хамлетини кўрганлар театрга қайта-қайта келиб, шаҳзоданинг кечинмалари, ўйлари, дардлари билан яна бир бор танишмоқчи бўлардилар. Актёр уларда ҳар гал завок, теран фикр уйғотар, шу боис катта гудасталар билан уйга қайтганида олқишларни, гулдирос қарсақларни эшитиб тургандек бўларди. Биз эса унинг уйига қайтганида олқишларни, гулдирос қарсақларни эшитиб тургандек бўларди. Биз эса унинг уйига қайтганида олқишларни, гулдирос қарсақларни эшитиб тургандек бўларди.

Бир гал хонадонларига намозшомдан кейин борибман. Эшикни узоқ тақиллатдим. Бир-икки дақиқа вақт ўтгач, эшик ёнидаги уйнинг деразасида шуъла пайдо бўлди. Овоз эшитилди: — Ҳамидулломасиз?... Мана калит, кўча эшигини очиб, кираверинг! - дедилар Шакар опа - Шу-

Архив

Самарқанддаги «Динамо» теннис кортида мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган халқаро «Челленжер» турнири бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Болгария, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Руминия давлатларидан ўттиздан ортқ теннисчи иштирок этмоқда.

«Челленжер» турнири бошланди

Халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Самарқанд шаҳар ҳокими П.Абдурахмонов, теннис бўйича президент кубогни турнирнинг Тошкентдаги офиси раҳбари Оведио Соло ва бошқалар сўзга чиқиб, ўтказилаётган ушбу мусобақанинг аҳамияти, Ўзбекистонда спортга берилаётган катта эътибор ва юртимиз спортчиларининг турли мусобақаларда эришяётган ютуқлари ҳақида гапирди. Турнир иштирокчиларига омид тилади. «Челленжер» халқаро турнири 29 сентябргача давом этади.

(ЎЗА).

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюмлари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

қўйган. Мен кўп қистовлардан кейин матнни олдим. Синчиклаб ўргандим. Ёдладим. Яқка ўзим қолганимда, баралла айтиб ҳам кўрдим. «Сар лочиним қолган бўлсанг ёввойилашиб, узар эдим чувощингни мен, агар у юрагимнинг торларига ҳам бўлганида тенг». Қаранг: овозим Абдор Хидоятоннинг монолоғига ўхшаб қолмаяптими?! Харақатим-чи?... Ана шундай ўйлар Отелло ролини ўйнашимга тўсқинлик қилади. Ҳар гал шундай хулосага келиб, хонамдан отилиб чиқаман. Театрга бориб, сахнадаги воқеаларни кузатиб ўтираман-да, баъзан ёшлар менинг қилқиларимни, юриш-туришимни, гапиришимни қайтармоқчи бўлганларини сезиб, ҳайратим ортади. Ахир, мен бир хатти-ҳара-

фильмида сизнинг ролингиз бироз дуруст-ку, қолган образлар, воқеалар сохта, ясама кўринди. Нега актёрлар шундай заиф сценарийларни ўқидилар-у, улардаги ҳис-ҳаяжонсиз ёзилган «об-разларни» экранга олиб чиқишга рози бўладилар? — Сиз мени юзхотир қилаяпсиз, ўша фильмдаги ролим учун мени қойимаяпсиз. Аслида Азнаур полвон ҳам, фильмдаги бошқа персонажлар ҳам жуда-жуда бўш. Тўғриси айтaverинг!

— Хўш, билган экансиз, нега рози бўлдингиз шундай ролини ўйнашга?

— Комил ака қўймади. Ҳадеб уйимизга келиб, «Шукур, без теб я фильм снимать не буду», деб туриб олди. Бир гал хатто шерик муаллиф Михаил Мелкумовни бошлаб келди. Унга мен «мана бундай қилса бўлмасмикин?!» деб сценарийнинг бир эпизодига ишора қилганимни биламан, Михаил Мелкумов «Ты что, тоже стал писателем?!» деб кесатиб, хоҳолоб кулиб масҳара қилгандек бўлди. Кейин уларнинг ишига — сценарий ёзилишига мутлақо аралашмай қўйдим. Комил Ёрматов эса «Ҳеч қачон мен сценарийни айнан экранга кўчирмаганман. Суратга олиш майдончасида, монтажда, овоз ёзишда у ўзгараваради. Зўр бўлади пировардида» деб мени зўрлайверди... Ҳар гал суратга олиш жойига зўрмазўраки борардим...

— Узингиз ролга талабчан бўлгансиз ҳаммиша. Ҳатто Қоработир образини кинода ўйнашингиз тарихини студиядагилар ҳали-

катни топишим, қўллашим жараёни узоқ кечади. Қўл, тана ҳаракати қаҳрамонимизнинг, қолаверса, муайян ҳолатдаги менинг кайфиятим, руҳиятимнинг ифодаси бўлади. Менга тақлид қилаётганлар ўша вазият, психологик ҳолатга кирмай туриб ёки ўзгача кайфиятдан келиб чиқадилар-да, менинг ҳаракатимни айнан қайтармоқчи бўладилар, - деб куюниб гапирганларида, танҳо қолганимиздан фойдаланиб, баъзи нозикроқ саволларни ҳам берган эдим: — Шукур ака, «Қора консулнинг тугатилиши»

Вақт хуфтондан ўтганига анча бўлганди. Шукур аканинг олдидан кетгим келмас эди. Лекин чарчата қўйишни ҳам хоҳла-мас эдим. Фотиҳадан кейин мени кузатаётган мез-бон: — Ёшинг улғайиб борган сари кинога кўпроқ тушгинг келар экан: тасмада қолсан-да! Яна уч-тўрт йил ўйнасан ўйнарман-да. Кеча Москвадан бир газетасини олиб келиб беришди. Унда мени жуда катта рус актёрлари сафига қўшиб мақташибди-да, бундай истеъдодлар учун атайлаб сценарийлар ёзилиши керак, деб яқин ясашибди. Балки тўғридир. Ёзиш керакдир шу тарафда. Шунда актёрлар ҳам ҳамма нарсага ўзини уравармайди. Рол ҳақида, талқин йўллари ҳақида ўйлайди. Ижоди унумли бўлади...

Афсуски, Шукур акага атаб, унинг бекиёс имкониятлари назарда тути-либ, сценарий ёзилмади. Лекин унинг Қоработири («Тоҳир ва Зухра» фильми), Ялангўши («Ер фарзанди») томошаини ёди-да қолди, театр актёри кинода ҳам шухрат қозониши мумкинлигини эли-мизга яна бир бор кўрсатди.



Ҳамидулла АКБАРОВ.

БЕПАРВО ЖЎЖАЛАР

Ёзги таътил кунлари Мақсуд қишлоқда яшайдиган аммасиниқага меҳмонга кетди. Худди иссиқхоналарда ўсган мевадек ёлчиб кўш кўрмаган, шаҳарнинг баланд биноларида ўсиб-улғаяётган, оқ юзли болага бу ердаги барча нарса — кенгликлар, моллару қўй-эчкилар жуда қизиқ туюлади.

Аммасининг ўзи тенги ўғли Уктамбой уни томорқасининг тўридаги паррандахонага бошлаб борди. У ерда сим тўр орасида элликка яқин қордек оппоқ, сариқ, пушти, қора жўжаларни кўрсатди. Бир пайтлари гудакнинг муштикдек тухум ичига жў бўлган митти жониворлар энди кенг жаҳонга сиғмасди. Катак ичида дон излаб, тўрт тарафга чопишгани-чопишган.

Уктамбой уйдан редисқа пўстлоқларини олиб чиққан эди. Уларни бирин-кетин жўжалар олдига ота бошлади. Қип-қизил пўстлоқлар жўжалар ўртасида талаш бўлиб кетди. Чаққонроғи бир дон пўстлоқни тумшуғига олиб олади-ю, сим тўсиқ ёқалаб қоча бошлади. Ўнлаб жўжа-

лар унинг кетидан эргашади. «Чип-чип» деб зорикқан товушлар гир атрофга таралади. Кўп ўтмай айримлари бир-бирлари билан олиша бошлашди. Оқ ва қора жўжаларнинг олишуви айниқса қизиқ. Оқ жўжа бўйинини чўзиб, баланддан қора жўжанинг кўзига қараб қолди. Қора жўжа ҳам пастга боқиб, оқ жўжанинг ҳаракатини кузата бошлади. Буларнинг олишуви ҳам боксчиларникига ўхшаб кетарди. Тўсатдан жўжалар галма-галига бир-бирини устига сакрашиб, чўқиша кетишди. Нима-ям бўлди-ю, оқ жўжа бирдан чийиллаб юборди. Кейин чап кўздан отилиб чиққан қон оқ танасини бўяди. Жўжанинг жон қолтада чинқираши ва кўздан оқаётган қизил нарсадан ҳайрон қолган бошқа жўжалар ҳам келиб, унинг этини қизил қони аралаш чўқий бошлашди. Охири оқ жўжанинг бардоши тугаб йиқилди. Лекин унинг устига ёпирилган жўжаларнинг тумшук уруши тўхтамади. Жўжалар ўзи очофатликлари билан бир сафдошони ўлдирётганликларини сезишмасди...

гача гапириб юришади — сиз бу ролни ўйнашни истамагансиз... Айтингчи, ҳозирги ёш ижрочилар нималарга аҳамият бериши керак. Фақат сценарий танлашгами? Ёки муаллифга нисбатан талабчан бўлиши қийоми? — Актёр умрбод ролга тайёрланиб бориши керак. Ўз устида ишлаши лозим. Режиссёр тақлиф этганида муайян рол, сценарий, пьеса ҳақида чуқур ўйлаши зарур. Бунинг учун ички интизом бўлиши керак. Ортиқча ема, ортиқча ухлама, вақтни бекор кетказма, дегинг келади баъзи актёрларга. Улардан бири суткасига 10 соат ухлар экан. Яқинда атайлаб сўраб билдим. Бундай уйқучи одам актёр бўлолмайди!... Баъзилари эса ўзбек тилини яхши билмайди. Русча фикрлайди, юриш-туриши европача. Улар билан бирга спектаклда ҳеч қачон катта наъман. Ўзига атайлаб ман: мен сиз билан ўйнай олмайман, фалончи ўйнай қолсин, деб.

2001 йИЛИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ КИМ БЎЛАДИ?

Таълим тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан шундай изланувчан ва фидойи ўқитувчиларга боғлиқ. Қарийб ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» анъанавий кўриктанловининг мақсади ҳам соҳада меҳнат қилаётган фидойи кадрларни аниқлаш, рағбатлантириш ва тажрибасини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Республика Таълим марказида талловнинг якуновчи босқичи бошланди. Унда халқ таълими вилоят ва шаҳарлар бошқармалари, тарбия муассасалари ва тегишли марказларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

Семинардан кўзланган мақсад кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ёрдамлаш ва бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишдан иборат.

Уч кун давом этадиган семинар машғулотларида АҚШ, Буюк Британия, Германия каби давлатлар мутахассисларининг ҳам маърузалари тингланади.

(ЎЗА).

Республика Таълим марказида Халқ таълими вазирлиги ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож болаларни умумий таълимга жалб

Илғор тажриба ўрганиляпти

этишга бағишланган семинар-машғулотлар бошланди. Унда халқ таълими вилоят ва шаҳарлар бошқармалари, тарбия муассасалари ва тегишли марказларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

Семинардан кўзланган мақсад кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ёрдамлаш ва бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишдан иборат.

Уч кун давом этадиган семинар машғулотларида АҚШ, Буюк Британия, Германия каби давлатлар мутахассисларининг ҳам маърузалари тингланади.

(ЎЗА).

Мақсуд аммасининг Сарик ва Қоравой деб аталмиш мушуқларини жудаям яхши кўриб қолди. Мушуқлар ҳам Мақсудни кўрган заҳотиёқ унинг олдига югуриб келиб, ўйнай бошлашди. Айниқса сариги шўх экан.

Мақсуд асло зерикмади, балки маъза қилиб ўйнади, дўстлар орттирди, ариқ сувида чўмилди. Уйига қайтаётганда аммаси унга Сарик мушуқни совға қилиб, бериб юборди. Мақсуд мушуқни олтинчи қаватдаги уйига олиб чиқиб, боқа бошлади. Қишлоқ кенгликларига ўрганган мушук гоҳида кечкурунлари миёвлаб, дадаси билан ойисининг тинчини бузганида, Мақсуд уни ўзи билан диван краватда олиб ётарди.

Ораддан икки ҳафтала ўтгач, Сарик жуда ювощ тортиб, қорни дўппайиб қолди. Энди у Мақсуд билан чопиб ўйнамас, у берган овқ-

атларни паққос тушириб, кейин беозор миёвлаб кўярди. Бир куни йигитча мактабдан қайтганида, ойисини ювиш учун ваннахонага қўйган кир кийимлар устида Сариги бола-лабади. Бир лашча гўшт сингари гавдаси секин қимирлаб турарди. Жониворларни кўзлари юмук. Уларнинг иккитаси қоп-қора, биттаси эса ўрдақнинг оёғидек оқ сариқ рангда эди. Сариги Мақсудга тикилганича, айб иш қилгандек миёвлайди. У бунни ўзича тушуниб, ошхонага сўт олиб келиш учун чиқиб кетди. Қайтиб ювиниш хонасига кирди-ю, ҳайратдан лол қолди. Сариги ўзига ўхшаб боласини бўғизлаб қўйибди... Шу куйи у анчайин ўзига келолмай юрди. Мақсуд бу иккала ҳолатни умрбод эсидан чиқара олмади. Ушанда унинг мурғак қалби илк бора ёвузлик билан дуч келганди.

Эркин ЭРМАТОВ.

Шингил ҳикоялар

ЁВСИРАШ

Мақсуд аммасининг Сарик ва Қоравой деб аталмиш мушуқларини жудаям яхши кўриб қолди. Мушуқлар ҳам Мақсудни кўрган заҳотиёқ унинг олдига югуриб келиб, ўйнай бошлашди. Айниқса сариги шўх экан.

Мақсуд асло зерикмади, балки маъза қилиб ўйнади, дўстлар орттирди, ариқ сувида чўмилди. Уйига қайтаётганда аммаси унга Сарик мушуқни совға қилиб, бериб юборди. Мақсуд мушуқни олтинчи қаватдаги уйига олиб чиқиб, боқа бошлади. Қишлоқ кенгликларига ўрганган мушук гоҳида кечкурунлари миёвлаб, дадаси билан ойисининг тинчини бузганида, Мақсуд уни ўзи билан диван краватда олиб ётарди.

Ораддан икки ҳафтала ўтгач, Сарик жуда ювощ тортиб, қорни дўппайиб қолди. Энди у Мақсуд билан чопиб ўйнамас, у берган овқ-

Тошкентдаги Ўзбек-Япон марказида «Япония адабиёти ва шеърини ўзбек адаблари нигоҳида» мавзуда семинар ўтказилди.

ЯПОН АДАБИЁТИ АДИБЛАРИМИЗ НИГОҲИДА

Киоко Накаяма хоним япон адабиёти тарихи ҳақида сўзлаб, ўзининг ўзбек адабиётига ҳам ихлоси баландлигини, лекин япон ўқувчилари ҳали ўзбек адабларининг ижодидан бирмунча бебаҳра эканлигини айтди. Ўтказилаётган семинар ўзбек асарларининг япон тилига ўғириб ва ўзбек-япон муносабатларини кенгайтиришда янги бир мезон бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимизда Япония маданияти кунларининг ўтказилиши халқларимизнинг янада яқинлаштириди, - деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Икки миллатнинг урф-одатлари, турмуш-тарзи бири-бири билан муштаракдир. Ваҳоб Рўзиматов, Мирпўлат Мирзаев, Хуршид Давроннинг таржималари ўқувчиларда япон адабиётига бўлган қизиқини аллақачон уйғотган. Латофатда, нафосатда гўзалликни

биз япон шеъринида кўрамиз. Бу икки элат наъми ўртасида ҳам ўхшашлик мавжуд. Жаҳон адабиётида ўз ўрни ва мактабини яратган япон адабиёти инсон тафаккурининг энг юксак чўққисидир. Япония узоқда, лекин дўстлик бу масофани қисқартиради.

- Мен Японияда бўлмаганман, тилини ҳам билмайман, лекин иккинчи жаҳон уруши пайтларида асирликка тушган япон йигитини эслганимда бу кунчиқар мамлакат одамларининг ҳаёти кўз олдимда яққол намоён бўлади. У ҳақиқий «самурай» эди. Улар ҳақида нима-дир ёзиш «Офтобийим» ҳикоясининг тугилишига сабаб бўлди, - деди ёзувчи Саид Аҳмад.

КАРАТЭ - МАРДЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шарқ яқка кураши - киокушинкай кан каратэ мамлакатимизда оммалашиб бораётган спорт тури. Унинг оммалашувида Навоий шаҳридаги Ҳасан Назаров бошчилик қилаётган республика «Нур-Хас» киокушинкай кан-каратэ марказининг хизмати катта бўлмоқда.

Марказ ташаббуси билан Навоий шаҳридаги Марказий спорт саройида каратэнинг шу тури бўйича республика III-чемпионати ўтказилди. Навоий конметаллургия комбинати ҳомийлигида ўтган ушбу мусобақаларда Самарқанд, Наманган, Навоий вилоятлари жамоалари, шунингдек, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари спорт жамоалари қатнашди.

Чемпионат якунига кўра, навоийлик Мутал Назаров мутлоқ ғолиб бўлди. Иккинчи ўринни навоийлик Акмал Аҳмедов, учинчи ўринни самарқандлик Ботирали Бобомуродов эгаллади. Ғолиблар шу йилнинг 20 октябрда Вильнюс шаҳрида ўтказилаётган Европа чемпионатида иштирок этадилар.

Биласизми?

МЕТРО...

Шуниси қизиқки, илк ер ости темир йўли Англияда пайдо бўлган бўлса-да, «метро» сўзи («метрополитен» — сўзининг қисқартмаси) бизга французлардан кириб келган. Уша пайтда инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда у «субвей» — «ер ости йўли» деб юритилган.

Биринчи энг чуқур ер ости метро йўли 1886-1891 йилларда ишга туширилиб, бекатларига эскалаторлар ўрнатилди. Кейинчалик Нью-Йорк (1868 йил), Чикаго (1892 йил), Будапешт (1898 йил) шаҳарларида шундай йўллар ишга тушди.

Париждаги биринчи метро йўлининг очилиши 1900 йилги Бутунжаҳон саноат кўргазмаси вақтига тўғри келди.

...ПУЛ ТАРИХИДАН

Пул муомала воситаси сифатида тарихий ривожланишнинг турли босқичларида турли шаклларда намоён бўлади. Чунинчи, металлдан ишланган пуллар аввалига ёмби тарзида вужудга келади.

Савдогарлар синфи пайдо бўлиши билан бу ёмбиларга йирик савдогарларнинг тамғаси туширилганидан бўлди. Шу тариха, кейинчалик чақа, танга зарб этиш вужудга келади.

Эрадан аввалги 7-8 асрларда қадимги Грецияда, эрадан аввалги V асрда Римда, эрадан 1-2 асрда қадимги Русда биринчи бор танга, чақа пуллар зарб қилиш бошланган.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганга қадар Бухоро, Хива, Қўқон ҳамда қисман Шаҳрисабзда олтин, кумуш ва мисдан пул зарб қилинган. Бу уччала хонлиқда ясалган танга, чақалар ўз оғирлиги, ёзувлари ва бошқа сифатлари билан бир-бирдан фарқ қилган. Бир хонлиқнинг пули иккинчи хонлиқ пулига саррофлар томонидан алмаштирилган.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Останов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Масъул: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.20

Буюртма Г— 2824. 1 2 3 4 5 6